

## Йиғлаган устун



08:00 / 02.01.2021 2982

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб хутба қиладиган бир устун бор эди. Минбар ўрнатилгач, ўша устуннинг ҳомиладор туяга ўхшаб йиғлаганини эшитдик. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тушиб, қўлларини унинг устига қўйдилар. Шунда у жим бўлди».

Бир ривоятда шундай дейилган: «Илгари Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хурмонинг устуни ёнида хутба қилардилар. Бир жума куни у зот минбарга ўтирдилар. Шунда ўша устун овоз чиқариб, ёрилиб кетай деди».

Яна бир ривоятда шундай келтирилади: «Устун гўдак йиғлагандек овоз чиқарди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам минбардан тушиб, уни қучоқладилар. У йиғлаб қолган бола онаси юпатганда инграб йиғлагандек йиғлаб, ниҳоят жим бўлиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**У**

**олдин зикрни эшитар эди, шунинг учун йиғлади», дедилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**